



КУЗ ОЛДИНГИЗДА ОЙНИНГ АТРОФ МАНЗАРАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46 йил чиқиши
№ 33 (13.295).
ФЕВРАЛЬ
1968 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Бу нодир ҳужжатни етарли даражада
йирикроқ қилиб кўрсатиш учун газета
саҳифаси кичиклик қилиб қолди. Шу
сабабли уни уч қисмга ажратдик. Бу
сурашларни кесиб олиб, ёнма-ён қилиб
ёпиштиринг, ана шунда Ойдаги стан-
циямиз атрофидаги манзарани ба-
тафсил кўра оласиз.



ФОТОГРАФИЯДА Ой манзарасининг доира
шакидаги тасвири кўрсатилган. Бу
манзара «Луна-9» автоматик станциясининг
телевизион системаси ёрдами билан олинди.
Тасвирнинг текислигида ёйилиш ҳолати 360
градусдир.


Маълумки, «Луна-9» автоматик станция-
си Бурунлар Океанининг шарқий чеккаси-
даги экватор яқинида Ой юзасининг нисба-
тан текис участкасида турибди. Камера Ой

юзасининг ўзидан тахминан бир ярим ки-
лометр наридаги чизигини кўра олади. Тас-
вир масштаби станциядан узоқлашган са-
йин жуда тез кичирайиб бораётганлиги фо-
тографиядан кўриниб турибди. Станция-
нинг бевосита яқинида, яъни манзаранинг
олдинги панида камеранинг кўриш қоби-
лияти 1-2 миллиметрга етса, кўриниб тур-
ган уфқ яқинида бир неча метрдан ортиқ
ҳажмдаги нарсаларнинг яқин кўриш

мумкин. Уфқ чизиги жуда аниқ кўринмади,
чунки Ойда атмосфера йўқлиги учун у ер-
да осмон бутунлай қоронғидир.
Фототелевизион камера 30 градус баланд-
ликдаги манзарани кўради. Камерани ве-
тикал ориентация қилган вақтда, уфқ чизиги
суратни теппа-тегиз икки булакка ажра-
тиб кўювчи тўғри чизик бўлиши мумкин
эди. Ҳақиқатда камеранинг ўқи шарқ то-
монга оғиб туради. Шу томонда уфқ чизи-

ги манзаранинг юзори чеккасида баланд
бўлиб, шу сабабдан кўринмайди (суратнинг
марнази). Шимолга (марназдан чапга) ва
жанубга борганда, уфқ чизиги пасаяди,
гарбда эса манзаранинг кўйи чеккасида
пастга тушиб кетади. Шу сабабдан, Ой
гарбда Ой юзасини кўрмаймиз, бутун кў-
риш доирасини эса Ойдаги тамомила топ-
қора осмон тўлдирди, унинг фонида стан-

ция конструкциясининг айрим деталлариги
на кўзга ташланади.
Манзара 5 февраль кечкурунги алоқа се-
анси вақтида олинди. Фототелевизион каме-
ранинг оғиши бу вақтда 4 февралдагидан
бирмунча бошқачароқ эдики, буни манза-
ранинг тегишли участкаларини илгари
эълон қилинган суратлар билан таққослаш
натijasида пайғаш мумкин. Масалан, стан-
ция конструкцияси деталларининг тасвир-
лари Ой юзасига нисбатан бирмунча бош-
қачароқ жойлашган.
Фақат осмон билан станция деталлари-
нинг ўзи кўриниб турган 60 градусга яқин
масофадаги гарбий сектор 5 февралда су-
ратга олинмади ва бундан аввалги кўни ту-
ширилган суратлардан олинди.
Станция терминатор линияси яқинида,
яъни яқинда Ойда Кўёш чиққан жойга кўн-
ди, 4 февраль эрталабини санас вақтида Кў-



ёшнинг баландлиги атиги 7 градус эди, шу-
нинг учун дастлаб эълон қилинган сурат-
ларда ҳамма бўғиб чиққан жойлар узун ку-
ланча ташлаб турар, бу куланчалар ўзининг
бўйига нисбатан тахминан ўн хисса ортиқ
эди.
4 февраль кечкурунги иккинчи сеанс вақ-
тида Кўёшнинг баландлиги 13 градусга
етиб, куланчаларнинг узунлиги икки хис-
са кичрайди. 5 февралда манзарани сурат-

га олиш вақтида Кўёш баландлиги 27 гра-
дусга етди ва, бинобарин, куланчалар даст-
лабки суратлардагига нисбатан тўрт бара-
вар кичрайди.
Кўёш уфқ узра турли баландликларга кў-
тарилган пайтларда олинган Ой юзасининг
катор фотосуратлари Ой юзаси структураси-
ни тадқиқ қилиш учун низоҳатда катта аҳа-
миятга эгадир. Бу эса Ой юзасининг ҳу-
сусиятларини: чуқмалар, баландликларнинг


ҳажмларини, бўғиб чиққан жойларнинг
шақлини муфассалроқ белгилаш имкония-
тини беради.
Станция турган жойда Ой юзаси жуда
гадир-будир бўлиб, унда кўпгина майда чу-
қурликлар ва дўнгликлар бор. Баъзи жой-
ларда тошларга ўхшаш айрим нарсалар со-
чилиб ётибди. Шулардан баъзилари катта-
роқ бўлиб кўринади ва улар станциядан
бир неча метр нарида ётган бўлиб, ҳажми

10-20 сантиметр нелади. Узоқроқда ётган
бошқа нарсаларнинг ҳажмларини белгилаш
ийини, чунки уларнинг олислиги сабабли
қанчалик катта эканлигини билиб бўлмай-
ди.
Манзаранинг турли қисмларида масалан,
унинг унч чеккасида ҳажми ўн сантиметр-
дан тортиб икки-уч метргача бўлган кичи-
кичи чуқмалар кўриниб туради. Жойнинг

бир оз адирсимонлиги уфқ линиясига қа-
раганда билиниб қолади.
Манзаранинг олдинги панида станция-
нинг деталлари, шу жумладан приёмниклар
билан передатчикларнинг антенналари ҳам-
да Ой юзасининг участкаларини акс этти-
рувчи икки қиррали кўзгулар кўринади.
Уртада қора чизик бор. Бу — манзара тас-
вирини юбориш сеансида юз берган узун

лишдир. Пастда, қора чизикдан сал чапроқ,
да, кўниш вақтида станциянинг учиб кет-
ган детал Ой юзасида ётганлиги кўриниб
турибди.
Олинган суратлар Ой юзасининг минро-
структураси тўғрисида биринчи марта тўғ-
ридан-тўғри маълумотлар беради ва бу су-
ратлар синчиклаб ўрганиб чиқилади.

«ИЗВЕСТИЯ» 8 февраль.



ПАРТИЯ ТУРМУШ И

Я. ИСМОИЛОВ.

